

**САНОАТ ВА ТАЙЁРЛОВ КОРХОНАЛАРИНИ КРЕДИТЛАШГА ОИД ТЕЗ-ТЕЗ
БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР ВА УЛАРГА МУТАХАССИС ЖАВОБЛАРИ**

т/р	Саволлар	Жавоблар
1.	Қисқа муддатли кредитларни ажратиш тартиби қандай?	<p>Банк бошқаруви йиғилишининг 2015 йил 19 февралдаги 11/2-сонли қарори билан тасдиқланган “Агробанк” АТБ филиалларида хизмат кўрсатиладиган хўжалик юритувчи субъектларга қисқа муддатли кредитларни бериш бўйича 1-сонли Низомга асосан амалга оширилади.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Қисқа муддатли кредитлар – бу, ишлаб чиқариш корхоналарига ишлаб чиқариш билан боғлиқ бевосита харажатлар учун, яъни товар-моддий захиралар учун ҳақ тўлаш, хом ашё сотиб олиш каби харажатларни молиялаштиришга ёки хизматлар кўрсатишга бериладиган кредитлардир. • Қисқа муддатли кредитлар таъминланганлик, муддатлилик, мақсадли фойдаланиш, қайтаришлилик, устама ҳақ тўлаш ҳамда хавф-хатарларни пухта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда ўз-ўзини қоплаш шартлари асосида нақдсиз шаклда берилди. • Кредитлар аввал олинган кредитларни сўндиришга берилмайди. • Қисқа муддатли кредитлар шартномавий асосда бир йил муддатгача берилди • Саноатнинг етакчи тармоқлари, шунингдек экспорт маҳсулотларига бўлган талабнинг қисқариши ва нархларнинг пасайиши муносабати билан вақтинчалик молиявий қийинчиликларга дуч келган корхоналарга ажратилган кредитларнинг муддатини узайтириш ва фақат бир маротаба, қарз маблағларидан фойдаланиш умумий муддатларининг давомийлиги 18 ойдан ошмаслик шarti билан белгиланади.
2.	Факторинг операцияларини амалга ошириш тартиби қандай?	<p>Ўзбекистон ҳудудида факторинг операциялари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 3 августдаги 953-сон (қўшимча 2014 йил 7 октябрь 953-2-сон) билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банклари томонидан факторинг операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширилади.</p> <p>ФАКТОРИНГ-хўжалик юритувчи субъектлар-етказиб берувчиларни молиялашга доир банк хизматларининг бир тури бўлиб, бунда улар банк – моливий агентга етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловчилар томонидан акцептланган, лекин тўлов талабномалари бўйича хаки тўланмаган тўловни, регресс ҳуқуқисиз, олиш ҳуқуқини берадилар.</p> <p>Факторинг операциялари банк ва мижоз ўртасида</p>

		тузилган шартнома асосида амалга оширилади. Мазкур шартномада факторингнинг шартлари, муддати (кўпи билан 90 кун, бунда муддати 60 кундан ўтган дебитор қарздорликни сотиб олишга йўл қўйилмайди)
3.	Факторинг операциялари қайси ҳолларда амалга оширилиши мумкин эмас ?	<p>“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банклари томонидан факторинг операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1.4 бандида кўрсатилган ҳолатларда яъни;</p> <ul style="list-style-type: none"> • бюджет ташкилотларига тақдим этиладиган талаблар бўйича; • жисмоний шахсларнинг қарз мажбуриятлари бўйича; • тўловга ноқобил деб эълон қилинган корхоналарнинг мажбуриятлари бўйича; • зарар қўриб ишлайдиган корхоналар бўйича; • капитал қўйилмаларни молиялаш бўйича; • экспортга оид консигнация шартномалари бўйича; • компенсация ва бартер битимлар бўйича; • ишга босқичма-босқич ёки бўнак билан ҳақ тўлаш бўйича; • тўловчи шартномада шартланган вақт мобайнида, шунингдек, сотиш хизмати кўрсатилганидан кейин маҳсулотни қайтариш ҳуқуқига эга бўлган олди-сотди шартномалари бўйича факторинг операциялари амалга ошириш мумкин эмас
4.	Факторингда банк даромадини нима ташкил қилади ?	Мижоз ҳисоб рақамига ўтказиб берилган сумма ва шартнома бўйича тўлов талабнома суммаси ўртасидаги фарқ банк дисконтини ташкил қилади ушбу дисконт ўз навбатида банк даромадини ташкил қилади.
5.	Банкнинг факторинг операциялари бўйича ҳисоби қай тарзда амалга оширилади?	Тарафлар томонидан факторинг тўғрисида шартнома имзолангандан кейин банк-молиявий агент маблағларни миқдорнинг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварағига дисконт суммасини чегирган ҳолда ўтказишини амалга оширади
6.	Факторинг шартнома тузиш қандай ҳужжатлар тақдим этилиши керак?	<p>Мижоз томонидан банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • белгиланган тартибда расмийлаштирилган ва тўловчи томони дан имзоланган олди-сотди, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш шартномаси; • моддий бойликлар берилгани, ишлар бажарилгани ва хизматлар кўрсатилганини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (товар-транспорт юк хатлари, ишончномаларининг кўчирма нусхалари, ишларни қабул қилиш далолатномалари ва ҳоказо); • тўловчи томонидан бошқа банкларда очилган ҳисобварақлар рўйхати; • тўловчининг молиявий ҳолатини белгилаш учун зарур ҳужжатлар.
7.	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси қошидаги корхоналар фаолиятини кредитлаш тартиби қандай?	“Агробанк” АТБ Бошқаруви йиғилишининг 2017 йил 28 июндаги 46/1-сонли қарори билан тасдиқланган Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси қошидаги корхоналар фаолиятини миллий валютада кредитлаш тартиби бўйича ишлаб чиқилган Низомга мувофиқ амалга оширилади.

		<p>Кредитлар ажратилиши қарз олувчининг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварағи жойлашган жойда амалга оширилади.</p> <p>Банкда асосий ҳисоб рақами бўлмаган ўрмон хўжалиги корхоналарига кредит берилиши таъқиқланади.</p> <p>Зарар кўриб ишлаётган, ноликвид балансга эга хўжалик субъектлар фаолиятини кредитлаш тақиқланади. Кредит ресурслари қолдиқларини, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий талаби ва мажбуриятлари, хўжасизлик оқибатлари ва зарарларни қоплаш мақсадларида фойдаланишга йўл кўйилмайди. Ҳукумат қарорлари ва баённомалари билан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ажратилаётган кредитлар бундан мустасно.</p> <p>Кредитланаётган тадбирнинг ўзини-ўзи қоплашини ҳисобга олган ҳолда кредитлар 1,5 йил муддатга қуйидаги мақсадларга берилди:</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги ПҚ-2966-сонли Қарорига асосан тасдиқланган дастурларни амалга ошириш доираси таркибидаги</p> <ul style="list-style-type: none"> -қарз олувчи ўз фаолиятини бошлаши учун айланма маблағларни тўлдириш учун; -қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ва қайта ишлашини ташкил этиш учун. <p>Агробанк филиаллари томонидан ажратилаётган кредитлар бўйича кредитлашнинг имтиёзли даври белгиланиши мумкин.</p> <p>Кредитлар қонун ҳужжатларида тақиқланган фаолият турларини амалга ошириш учун ажратилиши мумкин эмас.</p> <p>Кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқдори кредит шартномасига мувофиқ белгиланади. Ажратилаётган кредитлар бўйича фоиз ставкалари Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкаси миқдорида белгиланади.</p>
8.	Банк кафолатларини тақдим этиш тартиби қандай?	<p>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 15 майда 2364-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги Низом” га асосан банк кафолатлари ажратилади.</p> <p>Енгил саноат корхоналарига пахта толаси сотиб олиш учун “Ўзпахтаэкспорт” АЖ билан тузилган контракт қийматидан 85% миқдорида банк кафолати, қолган 15% корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.</p> <p>Кафолат бериш масаласи Бош банкнинг кредит қўмитаси томонидан кўриб чиқилади ҳамда мазкур кафолат банк бошқаруви раисининг имзоси билан расмийлаштирилади. Бош банк томонидан банк филиалларига кафолат бериш ҳуқуқининг тақдим этилиши тақиқланади.</p>

		<p>Принципалнинг буюртмасига асосан банк томонидан кафолат бериш ёки кафолат беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш муддати буюртма барча зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда банкка келиб тушган кундан бошлаб йигирма банк кунидан ошмаслиги лозим.</p>
9.	Кафолат олиш учун талаб этилаётган ҳужжатлар қайсилар?	<p>Кафолат олиш учун миждоз (принципал) томонидан қуйидаги тақдим этади:</p> <ul style="list-style-type: none"> -кафолат буюртмаси; -кафолат фойдаланишнинг бутун даврини ўз ичига олган пул оқими таҳлили кўрсатилган бизнес-режа; -охириги ҳисобот санаси бўйича бухгалтерия баланси (1-шакл), молиявий натижалари ҳақида ҳисобот (2-шакл), муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорлик ҳақидаги маълумотнома (2а-шакл); -охириги уч молиявий йил натижалари бўйича аудиторлик хулосаси;
10.	Банк кафолатига қайдай таъминот турлари қабул қилинади?	<p>Принципал томонидан банкка қуйидаги таъминот турларини бирини тақдим этади:</p> <ul style="list-style-type: none"> -ликвидли мол-мулк ёки қимматли қоғозлар гарови; -принципалнинг кафолат бўйича мажбуриятни бажармаслик хатарининг суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси.